

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси
ўқитувчиси, <https://orcid.org/0000-0001-7989-9116>,

²Хуррамов Жалолиддин Бахриддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

3-ўқув курси 320-гуруҳ курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568683>

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларининг асосий мақсади суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини оширишдан иборатдир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонининг II устувор йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланганлиги [1], шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак” [2] деган фикрлари юқоридаги фикримизни тасдиғидир.

Сир эмаски одил судловда адолатни таъминлаш, бевосита мазкур давлат жиноят-ҳуқуқий нормаларининг қанчалик замон талаблари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши билан боғлиқдир. Чунки, даврлар ўтиши, замонлар ривожланиши билан қонунлар эскириб, ўзининг долзарблигини йўқотиб боради. Шунинг учун ҳам, биз мазкур мақоламизда бугунги кунда жиноят-процессуал институтларидан бири бўлган қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ муаммоларга қисқача тўхталиб, уларни бартараф этишга доир замон талабларига мос бўлган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз. Барчага маълумки, эҳтиёт чораси - айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади қўлланиладиган процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади.

Эҳтиёт чораларининг турларидан энг оғири – қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бўлиб, ҳозирда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ баъзи муаммоли ҳолатлар учраб турибди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддаси 2-қисмида қуйидаги мазмундаги қоида келтирилган: “Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади. Алоҳида ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган

муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

жиноят озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида, қўлланилиши мумкин” [3].

Мазкур модда мазмунидан келиб чиқадики, агар Жиноят кодекси махсус қисмида кўрсатиб ўтилган жиноий қилмишларнинг санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо мавжуд бўлмаса, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг тергов ва суддан яшириниш, шунингдек далилларни йўқ қилиб юбориш ҳамда гувоҳларни кўндириш нияти бор ёки йўқлигидан қатий назар қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш олмаймиз. Мисол қилиб оладиган бўлсак, амалдаги Жиноят Кодексининг бир қатор нормаларининг санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо тизими мавжуд эмас. Ушбу нормалардан бири Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244³-моддасида (Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш) кўрсатилган [4]. Мазкур турдаги жиноят бўйича, агар гумон қилинувчи ва айбланувчи тергов ва суддан яширинса ҳамда олдинги қўлланилган эҳтиёт чорасини бузса, биз уларга қамоқ ёхуд уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш олмаймиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддаси 2-қисмини қуйидаги тарзда ифода этишни таклиф этамиз:

“Алоҳида ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган ҳамда ЖКнинг махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо мавжуд бўлмаган жиноий қилмишларга доир ишлар бўйича ҳам агарда қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:”.

Юқоридаги тартибни амалда жорий этиш орқали биз жиноятни тез фурсат ичида фош этилишига, мулкий зарарни янада самаралироқ қопланишига, энг муҳими ҳақиқатни аниқлашда суриштирувчи, терговчининг иши енгиллашишига эришамиз.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (мурожаат вақти: 23.06.2022).
2. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // URL: <https://xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-ozbekiston-mustaqilligining-31-y> (мурожаат вақти: 27.12.2022).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат вақти: 20.07.2022).
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 23.06.2022).